

Ishonch

2018-yil 1-yanvar • dushanba • №1 (3974)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan • www.ishonch-doverie.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ва мухтарам ватандошлар!
Қадрли дўстлар!
Жонажон Ватанамизга Янги — 2018 йил кириб келмоқда.

Сиз азизларни, мўтабар нурунийлар, меҳрибон опа-сингилларимизни, азму шижоатли ёшларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни ушбу қутлуғ айём билан самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

Минг шукрки, турли муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2017 йил мамлакатимиз учун тинч, ҳар томонлама омадли ва баракали бўлди.

Биз тараққиётимизнинг янги даври, янги босқичига қадам қўйдик. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида белгиланган вазифаларни бажаришга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этдик.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2017 йилни барча соҳаларда ёруғ юз билан якунлашга эришдик.

Энг муҳими, давлатнинг халққа муносабати ўзгармоқда. Халқ деган тушунчанинг қадри юксалмоқда. Эл-юртга хизмат қилиш ҳаётимиз мазмунига айланмоқда.

Буларнинг барчаси одамларимизнинг кундалик ҳаётида ўз амалий ифодасини топмоқда. Уларнинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкам бўлмоқда.

Ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимиз ҳам, айтиш мумкинки, ғоятда самарали бўлди. Айниқса, қўшни давлатлар билан муносабатларимиз янгича руҳ ва мазмун касб этмоқда.

Бу эса минтақамизда ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳамкорлик муҳитини янада кучайтириш учун мустаҳкам замин



бўлмоқда. Биз бу стратегик йўлни 2018 йилда ҳам изчил ва фаол давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, узоқ ва яқин барча мамлакатлар халқларини ҳам, Янги йил байрами билан табриклаб, уларга тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Азиз юртдошлар!

Биз Янги — 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, иннова-

цион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном бердик.

Биз буюк келажагимизни айнан мана шундай юксак мақсад ва ғоялар асосида барпо этамиз.

Халқаро майдонда кескин рақобат кучайиб бораётган ҳозирги вақтда бу энг тўғри ва самарали йўлди.

Шу маънода, 2018 йил Ўзбекистон тараққиётида ҳал қилувчи йил бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Янги йилда ҳам халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини, барча тоифадаги аҳолимиз даромадларини оширишга алоҳида аҳамият берамиз.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Чет эллардаги ватандошларимиз билан алоқаларни кенгайтиришга янада катта эътибор қаратамиз.

Ишонаман, 2018 йилда барчамиз биргаликда, ўзини аямасдан меҳнат қилиб, ўз олдимишга қўйган вазифаларни бажаришга албатта эришамиз.

Азиз ва мухтарам ватандошларим!

Мана шу нурафшон дақиқаларда ҳаммамиз эзгу орзу-умидлар билан Янги — 2018 йилга қадам қўймоқдамиз.

Менинг ниятим, тилагим шуки, ҳар бир оила, ҳар бир инсон мурод-мақсадига етсин!

Барчангизга дунёдаги энг катта бахт — оилавий хотиржамлик, фарзандлар, набиралар бахту камолини кўриш насиб этсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!
Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2018 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, компаниялар раҳбарлари ва жамоат арбобларидан Президентимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар изҳор этилган самимий қутловлар келмоқда.

Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

- Россия Федерацияси Президенти — Владимир Путин
- Хитой Халқ Республикаси Раиси — Си Цзиньпин
- Қозғоғистон Республикаси Президенти — Нурсултон Назарбаев
- Қирғизистон Республикаси Президенти — Сооронбай Жээнбеков
- Тожикистон Республикаси Президенти — Имомали Раҳмон
- Туркменистон Президенти — Гурбангули Берdimухамедов
- Озарбайжон Республикаси Президенти — Илҳом Алиев
- Беларусь Республикаси Президенти — Александр Лукашенко
- Корея Республикаси Президенти — Мун Чжэ Ин
- Япония Бош вазири — Синдзо Абэ
- Буюк Британия Бош вазири — Тереза Мэй
- Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — Франк-Вальтер Штайнмайер
- Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери — Ангела Меркель
- Испания Бош вазири — Мариано Рахой
- Италия Республикаси Президенти — Серджио Маттарелла
- Словакия Республикаси Президенти — Андрей Киска
- Словения Республикаси Президенти — Борут Пахор
- Польша Республикаси Президенти — Анджеј Дуда
- Норвегия Қироли — Харальд V
- Европа Кенгаши Раиси — Дональд Туск
- Афғонистон Ислоом Республикаси Президенти — Муҳаммад Ашраф Ғани
- Эрон Ислоом Республикаси Президенти — Хасан Рухоний
- Бирланган Араб Амирликлари Президенти — Халифа бин Зайд Ол Наҳайн
- Мўғулистон Президенти — Халтмаагийн Баттулга
- Исроил Давлати Бош вазири — Биньямин Нетаньяху
- Россия Федерацияси ҳукумати Раиси — Дмитрий Медведев
- Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси — Валентина Матвиенко
- Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири — Ли Кэцян
- Бутунхитой халқ вакиллари кенгашининг Доимий қўмитаси раиси — Чжан Дэцзян
- Янги Зеландия Генерал губернатори — Пэтси Редди
- Бирланган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими — Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум

Қарор ва ижро

Меҳр-мурувватдан диллар чароғон

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон касба уюшмалар томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу хайрли фаолият республикамизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда.



Эътироф этишимиз жоизки, бошқа қўллаб соҳалар қатори ижтимоий соҳани ривожлантириш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган илоҳотлар бутун ўз самарасини бериб, халқимиз турмуш даражасидаги ижобий ўзгаришларда акс этмоқда.

Мазкур жараёнда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Ишчи гуруҳи тузилиб, республикамизнинг барча ҳудудларида кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий-маиший аҳоли ўрганиди. Ўрганиш натижаларига кўра уй-жой ва маиший техника билан таъминлаш, яшаш жойларини таъмирлаш, тиббий хизмат борасида амалий ёрдамга муҳтож оилалар аниқланиб, мазкур тоифадаги оилалар рўйхати тасдиқланди ҳамда 2017 ва 2018 йилларда аҳолининг кам таъминланган тоифаларига бегараз ёрдам курсатиш бўйича ҳудудий манзилли дастурлар ишлаб чиқилди.

Президентимизнинг дадил қадамлари:

буни Ғарб ҳам тан олмоқда

Агар сўнги вақтларда маҳаллий ва хорижий матбуотни, ижтимоий тармоқларни кузатиб бораётган бўлсангиз, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётига дохил ахборот оқими тамомила ўзга бир ўзганга бурилганини кузатишингиз мумкин.

Хусусан, АҚШнинг «The New York Times» нашри Ўзбекистоннинг дунё билан интеграциялашга ҳақиқатан бўлса, Япониянинг жаҳонга машҳур «The Nikkei» нашри Марказий Осиё минтақасининг халқаро майдондаги нуфузи бугун Ўзбекистон раҳбари ташлаётган дадил қадамларга беvosита боғлиқлигига ургу берди.

Россиянинг «Новости» ахборот агентлиги Ўзбекистон раҳбари фаолиятининг дастлабки натижаларига бағишланган кузатувларида Президент маҳаллий ОАВдаги мамлакатнинг биринчи шахси имижига бўлган анъанавий ёндашувларни ўзгартираётгани, мамлакат ижтимоий-сиёсий жабҳада жиддий илоҳотлар ўтказиётганини эътироф этди.

Шунингдек, Россиянинг «Независимая газета» нашри ҳам Ўзбекистоннинг Ғарб ва умуман дунё ҳамжамиятига «ўзини очаётганини» юқори баҳолади.

Президент мурожаати ва унга акс-садо ўларок, ўзбек матбуотида ташланган баъзи қадамларни ҳам халқаро кузатувчилар, дунё оммавий ахборот воситалари «сўнги ўн-йигирма йилдаги муҳим ўзгариш», деб ҳисобламоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтыда эълон қилинган «Ғарб аҳлида ҳам умид уйғотган мурожаат» мақоласи апрофидидаги мулоҳазалар шундан дарак беради, албатта.

«Америка ovozi» телерадиоси шарҳловчилари бу қадамни «Тарихда кузатилмаган ҳолат», дея агар экан, жумладан, «Ўзбекистонда чет элдоги фуқароларга муносабат ўтган бир йил ичида анча ижобийлашди. Ҳатто хорижий ахборот воситаларида ишлайдиган ўзбек журналистларининг шарҳи бугун Ўзбекистон давлат матбуотида чоп этилмоқда, расмий эътиборда. Лекин синов даври ҳамма учун мана энди бошланмоқда» дея таъкидлади.

«BBC News» журналистлари буни «...умид

уйғотаётган ишоралар», дея эътироф этди.

«Ғарба бيلمас журналистлар» халқаро ташкилоти ушбу чиқишларни ижобий баҳолади.

Ўзбек матбуотидаги мазкур қадам «Ҳақиқий ўзгариш» эканини АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен твитларда қайд этган.

Юртимиздаги мазкур эътирофларни бош қароргоҳи Нью-Йоркда жойлашган Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси (СР) ҳам яқиндан кузатиб келмоқда. «Бу ҳолат Ўзбекистон матбуотидаги биринчи жиддий ўзгаришлардир», дея таърифлаган қўмита ташаббусласи Пулноза Сайид: «Халқаро журналистларнинг, жумладан, «Америка ovozi» журналистларининг Ўзбекистон расмий матбуотида чиқарилиши ёки «Би-би-си»нинг Ўзбекистонга секан-асмалик билан бўлса-да қайтаётгани қўмисини ҳақ.

Маҳаллий журналистлар ҳам анча эсонланди. Ўзбекистонда иқтидорли журналист кадрлар анча кўп. Бундан кейин умид қиламизки, матбуот эркинлиги борасида янада жиддийроқ қадамлар қўйилади», дея изоҳлади.

Аслиддин СУЮНОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Нурафшонга раис сайланди

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг ўқув марказида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Нурафшон шаҳар ташкилотининг I конференцияси ўтказилди.

2-бет



Ҳақиқий байрам совғаси

Президент Фармони нафақат ишлаб чиқаришни тартибга солишда, балки ходимларнинг бўш вақтларини режалаштиришда ҳам қўл келади.

3-бет



Қулайлик

Узайтирилган дам олиш кунлари — ҳақиқий байрам совғаси бўлди

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, дейди доно халқимиз. Ҳақиқатан ходимларнинг мазмунли ва оқилона дам олишини таъминлаш иш унумдорлигини оширишнинг муҳим шартлардан бири ҳисобланади.



Фармон 2018 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш ва дам олиш, байрам кунларини оқилона фойдаланиши, шунингдек, ички туризмни янада ривожлантириши ҳам кўзда тутилди.

юртимизнинг тарихий-маданий марказларига ташриф буюришни, республика пансионат ва дам олиш уйларида узайтирилган дам олиш кунларини ўтказиш истагида бўлган ходимлар, уларнинг оила аъзоларига меҳмонхона ва транспорт хизматларига чегирмалар тизимини жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Қайси кунлар дам олиш сифатида эълон қилинди ёки кўчирилди?

Фармон асосида Ўзбекистон конунчилигида меҳнат муносабатларига оид яна бир янги амалиёт киритилди. Яъни, жорий йилда илк марта ҳар йилги меҳнат таътили давомийлигини кискарттириш орқали байрам кунлари арафасида қўшимча дам олиш кунлари берилди.

2 январь — сешанба; 20 март — сешанба; 31 август — жума.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қўшимча дам олиш кунлари барча ходимларга, жумладан, ҳафтасига 5 ва 6 кун давомида ишловчи ходимларга ҳам бирдек қўлланилади.

Шунингдек, Президент фармони асосида бир қатор дам олиш кунлари байрамлар арафасидаги иш кунига кўчирилди.

6 январь — шанба 3 январь — чоршанба; 17 март — шанба 19 март — душанба; 24 март — шанба 22 март — пайшанба; 25 август — шанба 23 август — пайшанба; 26 август — якшанба 24 август — жума; 8 сентябр — шанба 3 сентябр — душанба; 15 сентябр — шанба 4 сентябр — сешанба; 29 декабр — шанба 31 декабр — душанба кўчирилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, шанба кундан кўчирилган дам олиш кунлари фақат беш кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун тааллуқли, олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар эса кўчирилган дам олиш кунларида ишга чиқишлари лозим. Фақатгина 26 август — якшанба кундан 24 август — жумага кўчирилган дам олиш кунлари барча ходимлар учун амал қилади.

Қўшимча дам олиш кунининг эвазига меҳнат таътилининг муддати қандай ҳисобланади?

Бюджет ташкилотларида қўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини уч иш кунига кискарттириш ҳисобига қопланади, ҳар йилги меҳнат таътили даврида сакланган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисобланади.

башда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисоба олинади, унга юқоридаги қўшимча дам олиш кунлари қўшилади.

Бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда қўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда ташкилотнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, меҳнат шартномалари ёки иш берувчи томонидан қасаба уюшма қўмитаси билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ички ҳужжатларда белгиланади.

Меҳнат таътилининг 3 кунга қисқариши унга бериладиган тўловнинг камайишига таъсир қиладими?

Йўқ, таъсир қилмайди. Бунда иш берувчилар куйидагиларга алоҳида эътибор беришлари лозим:

Меҳнат кодексининг 134-моддасига биноан ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги кискарттиришни ҳисобга олган ҳолда 15 иш кунидан кам бўлмаслиги;

давлат байрамларига тўғри келган, белгиланган меҳнат таътилининг қўшимча ишланмайдиган кунларини қўшиш йўли билан ходимга йиллик меҳнат таътили давомийлигига берилиши лозим бўлган тўловлар миқдори сакланиши таъминланиши лозим.

Мисол учун, 24 кунлик йиллик меҳнат таътили бериладиган ходимга йил давомида белгиланган 3 кунлик қўшимча дам олиш кунига 21 кун меҳнат таътили тайинланади. Лекин меҳнат таътили учун бериладиган тўлов миқдори 21 кун эмас, 24 кун ҳисобидан берилиши керак.

Агар ходимнинг меҳнат таътили 17 кун бўлса, унда ушбу таътилни 3 кунга қисқарттириш мумкинми?

Йўқ, мумкин эмас. Юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай ҳолатда ҳам кискарттирилган меҳнат таътилининг муддати 15 кундан кам бўлиши мумкин эмас. Агар ходимнинг меҳнат таътили муддати 17 кун бўлса, унда таътил 3 кунга эмас, 2 кунга кискарттирилади ва ходимга 15 кун меҳнат таътили берилди. Бирок иш берувчилар ёлда тутишлари лозимки, ушбу ходимга асосий таътилининг муддати ҳисобидан, яъни 17 кун ҳисобидан тўлов амалга оширилиши керак.

Иجتимой таътиллار муддати ҳам қисқарттирилиши мумкинми?

Йўқ, мумкин эмас. Президент Фармонида белгиланган қондага кўра, қўшимча дам олиш кунлари ҳисобига фақат меҳнат таътиллари 3 кунга кискарттирилади. Ходимларга бериладиган иجتимой таътиллари кискарттиришга йўл қўйилмайди.

Мехнат таътили пайтида сақлаб қолинган ўртача иш ҳақи миқдори қайси ҳужжатга асосан ҳисобланади?

Ушбу Фармон асосида Ўзбекистонда бутунлай янги амалиёт жорий этилаётгани муносабати билан, табиийки, бир қанча саволлар, тушунмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин.

Шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда «инновацион лойиҳа» тушулчаси кон-канизмига сингиб борапти. Онлайн ахборот тараккийти олимлар олдида янги янги вазифаларни қўймоқда. «Huawei» ҳар йили даромадининг 15 фоизига илмий тадқиқотларга йўналтирилади. Шу кунга қадар мазкур йўналишга сарфланган сармоянинг умумий миқдори 37 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Ҳамидулла ПРЕМКУЛОВ, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Юридик бўлим мудир

Медиатур

Ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти, қулайликлари ҳусусида ҳар ким ўзича тасаввурга эга. Биргина ақлли смартфонларни олайлик. Кишилар ўртасидаги муносабатлар, кундалик турмушимиз билан боғлиқ юмушларни энгиллаштираётганининг ўзи ҳам бу соҳа инсоният учун қай даражада аҳамиятли эканлигини аңглатади.

Ақл бовар қилмас юксалиш

ёки жаҳон тан олган технологиянинг аҳамияти ҳусусида

Мазкур йўналишда фаолият кўрсатувчи йирик компаниялар, уларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги ҳақида гап кетса, кўпчилик биринчи навбатда мобил алоқа, замонавий телефонларни эста олади. Бирок қўлам анчайин кенг: Дунё рақобат майдонида соҳага ихтисослашган компаниялар турли йўналишларда катор инновацион лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этипти. Улар ҳақида кераклича маълумот бериш оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасидати вазифалардан бири.

Ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистлар Хитой Халқ Республикасининг «Huawei» компанияси томонидан Пекин ҳамда Шенчжень шаҳарларига медиатурга таклиф этилди. Бир ҳафта давомида компания мутахассислари билан мулоқотлар ўтказди, смартфон ишлаб чиқариш жараёни, илмий тадқиқот маркази фаолияти, янги лойиҳалар намойиши билан яқиндан танишди.

«Huawei» ўттиз йил аввал фаолият бошлаган. Дастлаб автоматлаштирилган телефон станциялари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарган бўлса, кейинчалик алоқа назорати, бошқарув хизматлари, логистика ҳамда ихтисослаштирилган турли тармоқларига янги таҳсилоти билан хизматлар кўрсатишни йўлга қўйди. Ҳозирга қадар мазкур бренд остида 140 миллионга яқин смартфонлар сотилди.

Ўзбекистонда 2018 йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион гойлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилинган кун Шенчжень шаҳрида эди. Ажойиб янгиликни барчамиз қувонч билан кутиб олдик. Энди янги-янги лойиҳалар, истиқболли порлоқ изланишлар йўлида янада катта қадамлар ташлангани шубҳасиз.

Нурило НҲҲМОНОВ, «Ishonch» муҳбири, Тошкент-Пекин-Шенчжень-Анджон

Реклама

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVICES» MCHJ мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2018 йил 30 январь куни соат 11:00 да Буёро шаҳар, Муस्ताқиллик кўчаси, 10-йўл манзилда ўтказиладиган савдоларга Буёро аҳоли Шойферов тумани Жамийи 1-ўрабсарайнинг 27.12.2017 йилда 337-сонли буюрмасига асосан тузатиш қилинган ҳисобига баҳолаш учун 5 906 715 сўм бўлган 2005 йилда № 4, № 40/200 САА бўлган ГАЗ-3102-111 русумли автога тўлов қилинган бўлиши билан...

«KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» MCHJ мулкнинг бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

2018 йил 30 январь куни соат 11:00 да Буёро шаҳар, Муस्ताқиллик кўчаси, 10-йўл манзилда ўтказиладиган савдоларга «Ўзбекистон» ижтимоий шirkати билан Буёро филиалнинг 26.12.2017 йилда 50-01-212743-сонли буюрмасига асосан тузатиш қилинган ҳисобига баҳолаш учун 75 749 000 (Етти миля етти миля тўқсон миля) сўм бўлган, Буёро шаҳар К.Муштақов кўчаси 4-йўл, 7-сон манзилда жойлашган, майдон 67.41 кв. метрлик иборат бўлган Турар уй боноси, 2-ЛОТ, бошланғич баҳоси 78 316 000 (Етти миля етти миля ушбунга) сўм бўлган, Буёро шаҳар Ш.Иброҳимов кўчаси 7-йўл, 149-сон манзилда жойлашган, майдон 68.3 кв. метрлик иборат бўлган Турар уй боноси лот тартибида қўйилмоқда.

орасида «кавфезиз шаҳар» лойиҳаси эътиборни тортди. Дунёнинг юздан зиёд улкан шаҳарларида, йирик молия идораларида, темир йўл ва сув транспорти соҳаларида ишга туширилган лойиҳа ўзининг ноёб аҳамиятини таърифда оқлайпти.

Уй шароитида масофадан туриб юқори малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, етакчи профессорлардан онлайн алоқа воситасида ташхис қўйиш ва даволаш имкониятини берувчи лойиҳа ҳам диққатга сазовор.

«Huawei»нинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. Айни пайтда Тошкентда бўлимада 300 дан зиёд мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий қисми Ўзбекистонлик ёшлар. Компания мамлакатимиз бозорига фақат ўз бизнесини ривожлантириб қолмай, ижтимоий масъулиятини ҳам юксак даражада рўйбога қилмоқда.

«Huawei»нинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. Айни пайтда Тошкентда бўлимада 300 дан зиёд мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий қисми Ўзбекистонлик ёшлар. Компания мамлакатимиз бозорига фақат ўз бизнесини ривожлантириб қолмай, ижтимоий масъулиятини ҳам юксак даражада рўйбога қилмоқда. Икитидорли талабаларнинг юқ, лойиҳа ва ишланмалари танловлари ўтказилипти, голиблар, уларнинг илмий раҳбарларига стипендиялар берилмоқда. Истеъдодли йигит-қизлар Хитой Халқ Республикасига стажировкага юборилипти. Шу кунгача 200 дан ортиқ мутахассисларимиз «Huawei» компаниясида малака ошириб келганлиги ҳамкорлик даражасини аңглатади. Мулоқот чоғида Уолтер Женининг: «Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи чоғида имзоланган ҳамкорлик шартномаларидан бири «Huawei» компаниясига тааллуқли эканлигидан фахриямиз», деди.

Ўзбекистонда 2018 йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион гойлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилинган кун Шенчжень шаҳрида эди. Ажойиб янгиликни барчамиз қувонч билан кутиб олдик. Энди янги-янги лойиҳалар, истиқболли порлоқ изланишлар йўлида янада катта қадамлар ташлангани шубҳасиз.

Нурило НҲҲМОНОВ, «Ishonch» муҳбири, Тошкент-Пекин-Шенчжень-Анджон

2018 йилда ўзгарган дам олиш кунлари тақвими

Table with 6 columns (January to December) and 7 rows (D, Se, Ch, Pa, Ju, Sh, Ya) showing public holidays and shifts. Legend: Grey = Holiday, White = Regular work day.

«Аукцион таъкидлагичи билан ақвалат тузи ўтириладиган илмушу шартномасини тузиш мақбурият қилинди. Сутунга томонидан мук учун ўтказиладиган тўлов муддати олд-отдан шартномаси тузилганда белги-ланади.



**МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ
ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ**

Меҳнаткаш халқимизни ва соҳа ходимларини Янги йил билан чин дилдан муборакбод этади. Янги йилда эзгу ниятларимиз ижобат бўлиб, барчамизга бахт-саодат ва муваффақиятлар олиб келсин. Юртимиз тинч, ҳаётимиз янада фаровон бўлсин!



**БУХОРО ШАҲРИДАГИ
«ШОҲРУД»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ МАЪМУРИЯТИ ВА
КАСАБА УЮШМА ҚҶМИТАСИ**

Кириб келган янги – 2018 йил билан соҳа ишчи-мутахассислари, Ватанимизнинг пок ниятли фуқароларини самимий муборакбод этади.

Янги йил Ўзбекистонимизга, бу азиз гўшада яшовчи ҳар бир хонадонга қўт-барака олиб келсин! Барқарор тинчлик, мустаҳкам соғлиқ, меҳр-оқибат ва бахту саодат ҳамиша ҳамроҳимиз бўлсин!



Янги йил муборак, азизлар!

Реклама ва эълонлар

Янги йилга янги инновациялар билан!



Ўзмилийбанк юртимиз аҳлини кириб келаётган Янги йил билан муборакбод этади ҳамда 2018 йил мамлакатимизда «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоҳлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили», деб эълон қилиниши муносабати билан жисмоний шахслар учун миллий валютадаги «БАЙРАМОНА» ва «ИННОВАЦИЯ» номли янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

«БАЙРАМОНА» омонати шартлари:

- омонатни сақлаш муддати - 3 ой;
- омонатга дастлабки қирим қилинадиган минимал сумма миқдори — 1 000 000 сўм;
- омонатга маблағлар нақд пул кўринишида ёки пластик карточкалар орқали қабул қилинади;
- қўшимча маблағлар қабул қилинади;
- омонат бўйича ҳисобланган фоизлар капитализациясиз миқдорнинг талаб қилиб олгунча омонат ҳисобрақамига ўтказиб берилади;
- омонатга маблағлар 2018 йилнинг 28 февралига қадар қабул қилинади.

«ИННОВАЦИЯ» омонати шартлари:

- омонатни сақлаш муддати — 1 йил;
- омонатга маблағлар нақд пул кўринишида ёки пластик карточкалар орқали қабул қилинади;
- қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- омонат бўйича ҳисобланган фоизлар капитализациясиз миқдорнинг пластик карточкасига ёки «Milliy» мобил иловаси орқали бошқариш имконияти мавжуд бўлган махсус ҳисобрақамга (электрон ҳамёнга) ўтказиб берилади.

Қўшимча маълумотларни Ўзмилийбанкнинг исталган бўлим/филиалидан ёки (0371) 148-00-10 телефони орқали олишингиз мумкин.
www.nbu.uz

Хизматлар лицензияланган

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Очик аукцион савдоси Тошкент вилояти, Қўрғай тумани, «Қўрғай ОАИЭС» СНУ ҳудудда жойлашган «QIBRAY-MARKETPLACE XUSAN» фирмаси ҳўжжасига бўйсунганда минча 3,36 га, умумий 3,7 га ер майдонига жойлашган 9 ёлди 825 тути газос қўшиқларидан иборат «Богери қўйилмада, бошланғич баҳоси — 5 780 902 сўм».

Очик аукцион савдоси 2018 йил 31 январь кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ахмед ота кўчаси 13-уй миқомида бўлиб ўтади. Маъмур объектлар сотишга шўжга таклиф

дарда тақририй аукцион савдоси 2018 йилнинг 15 феврал, 2 март кунларини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истифода билан берилган шўжаси «Савдат пули» ўтказиладиган мижознинг ишловасидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги шўжаси пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг «Илҳам йўли» АИТЕ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 2020800080487496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 ўтказишга лўзим.

Аукцион савдосида қатнашни учун талабдорлар қўйиладиган ҳўжжасини топшириши керак: — қўриқчи шўжаслар учун — давлат рўйхатидан ўтказиладиган «ўтказиладиган тўққонимизнинг ишловаси, ишончли вақит иштирок этишга қўнун билан белгилашган тартибда расмийлаштирилган ишончнома».

— жисмоний шўжаслар учун — паспорт нўсхаси, ишончли вақит иштирок этишга қўнун билан белгилашган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Маъмур ҳўжжаслар эълон чиққан кундан бошлаб соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ахмед ота кўчаси 13-уй миқомида ишловасидан на савдосдан бир кун олдин соат 18:00 да ўтказиладиган ва тақририй савдосда учун савдосдан бир кун олдин соат 16:00 да ўтказиладиган.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-46-00 телефон рақамига орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR - №0008.



**«ДўСТАЛИК» ОРДЕНЛИ
НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ
КОМБИНАТИ МАЪМУРИЯТИ
ВА КАСАБА УЮШМА ҚҶМИТАСИ**

Соҳа ишчи-ходимтарини, мамлакатимиз аҳолисини кириб келган 2018 йил билан самимий муборакбод этади.

Янги йил барчамизга янгидан-янги муваффақиятлар, қувонч, омад ва бахт келтирсин. Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши, бунёдкорлик ва ярағувчанлик интирида улкан зафарлар ёр бўлсин. Янги йил барчангизга муборак бўлсин, Азиз юртдошлар!



Общество с ограниченной ответственностью «Vegastroyinvest» (реестр №609146-11, ОКПО 26089285, ИНН 303847098) прекращает свою деятельность. Все претензии принимаются в течение месяца.

<p>MUASSIS:</p> <p>O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi</p> <p>2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida O116-raqam bilan ro'yxatga olingan.</p>	<p>Bosh muharrir: Jahongir Sharofboyev</p> <p>Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (<i>bosh muharrir o'rinbosari</i>), Akmal Toshev</p> <p>Bo'lmlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63 Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43 Elektron nashr va AKT — 256-87-73</p>	<p>Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz</p> <p>Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.</p> <p>«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.</p> <p>Tahririyat hisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATB «Ipoteka banki» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKONX: 87100</p>	<p>Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32 Andijon — (+998-91) 475-23-60 Buxoro — (+998-93) 653-50-81 Jizzax — (+998-91) 943-67-44 Namangan — (+998-90) 260-50-77 Navoiy — (+998-93) 314-13-03 Samarqand — (+998-97) 915-50-87 Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55 Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07 Farg'ona — (+998-91) 141-27-70 Xorazm — (+998-90) 719-48-00 Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01</p> <p>«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.</p>	<p>Navbatchi muharrir: U. Ibodinov Navbatchi: J. Ergashev Musahhih: S. Shodiyeva Sahifalovchi: H. Abdullajilov</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 22:05 Topshirildi — 00:00 Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma f — 109. 31439 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi. 133 1 3 4 5 6</p>
--	---	--	--	--